

ҲАҚСЕВАР ОНА ЮРТ, МАНГУ БЎЛ ОБОД!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2021 йил
27 март
ШАНБА
№ 24 (13377)

@haqiqatonline

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Мукофот муборак!



Нурафшон шаҳрида Маҳалла тизими ходимлари кунги муносабати билан тизим фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Маросимда сўзга чиққан вилоят ҳокими Даврон Ҳидоятлов йиғилганларни сана билан самимий қутлар экан, ўзини ўзи бошқаришнинг дунёда тенгсиз тизими бўлган маҳалла фаолиятига эътибор ва ғамхўрлик кучли фуқаролик жамиятининг бош мезони бўлиб келаётганини таъкидлади.

ФАОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК ЭЪТИРОФИ

Шунингдек, вилоят раҳбари сўнгги вақтларда маҳаллаларда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳақида тўхталар экан, яқин бир неча йилда вилоятда “қолоқ маҳалла” тушунчасидаги ҳудудлар қолмаслигини, бу борада яқин истиқболда жуда катта ҳажмдаги ишлар режалаштирилаётганини алоҳида қайд этди.

Тинчлиги, ободлиги, аҳоли фаровонлиги йўлида алоҳида ғайрат ва шижоат намуналарини кўрсатиб меҳнат қиладиган бир гуруҳ фаолларга “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишонлари тантанали вазиятда топширилди.

Суҳробжон САДИРОВ
Тошкент ҳақиқати/
Нозим АБДУЛЛА
олган сурат

Дил сўзи

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

Хурматли Шавкат Миромонович!
Яқинда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Сиз билан бўлиб ўтган учрашувни мен меҳнатқаш юртдошларимнинг улкан ташаббуслар, ёруғ истиқбол билан учрашуви сифатида қабул қилдим.
Шу аснода қалбимда, юрагимда туғилган баъзи фикр-мулоҳазаларимни мактуб орқали ифода этишга жазм қилдим.
Аслида, Сизнинг ташрифингизни ҳар бир вилоят аҳли орақиб кутади. Сизнинг қадамингиз этган жойга кут-барака, файз кириб келади, халқнинг қанчадан-қанча муаммолари ечим топади.
Сизнинг кўп миллатли халқимиз, жонажон Ватанимиз, янги Ўзбекистон учун кўрсатаётган фидойилигинини заҳматқаш, ҳалол, олиҳиммат халқимиз, дунёнинг манаман деган арбоблари ва сиёсатшунослари ҳам эътироф этиб турибди.
Бундан фахрланмай, куч-шиддат олмай бўладими?
Аммо, очигини айтиш керак, бугун “Давлат раҳбаримиз қандай ишляпти-ю биз қандай ишляпмиз?” деган савол кўпчилигимизни ўйлантириши лозим.
Тан олиш керак, биз Сизнинг азму шижоатингиз, тезкорлигингиз олдида ожиз қоляпмиз.
“Наҳотки, битта инсон шунча ишга улгуриши мумкин?” деган ҳайратли савол барчамизнинг кўнглимиздан кечмоқда, десам, янглишмаган бўламан.
Қани энди, барча вазир ва ҳокимлар, мутасадди раҳбарлар, ҳаммамиз Сиз каби жонқуярлик, қатъият ва талабчанлик кўрсатиб ишласак эди...
Учрашувда иштирок этар эканман, мана шундай ўй-фикрлар хаёлимда бўлди.
Хуш, вилоят раҳбарлари ва биз – фаолларга нима етишмаяпти?
(Давоми 2-саҳифада)

Бунёдкорлик

Нурафшон бугун чинакам бунёдкорлик манзилга айланди. Вилоятимизнинг “Ақлли шаҳар” дея донг таратаётган маъмурий марказида ҳозирда 49 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда шаҳарсозликда янги марраларни эгаллаш баробарида аҳолига замонавий хизматлар кўрсатиш имкониятлари ҳам тобора ортиб борапти.

Марказ ҳам, хизмат ҳам ЗАМОНАВИЙ



Кунги кеча шаҳарда Давлат хизматлари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.
Хабарингиз бор, айни пайтда Давлат хизматлари агентлиги Европа Иттифоқи ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон қишлоқ жойларида давлат хизматлари тақдим этишни такомиллаштириш ва бошқарув

даражасини ошириш” лойиҳасини амалга оширмоқда.
Мамлакатимизнинг 5 та ҳудуддаги давлат хизматлари маркази лойиҳа доирасида молиялаштирилади. Шу жумладан, Нурафшон шаҳридаги янги марказ тажриба тариқасида танлаб олинди.
Бетақрор меъморий ечимда қад ростлаган марказ биносининг очилиш маросимида вилоят хо-

кими Даврон Ҳидоятлов, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги директори Улугбек Муҳаммадиев, БМТ Тараққиёт дастурининг (UNDP) Ўзбекистондаги вакили Матилда Димовска, давлат ва жамоат ташилотлари масъуллари, меҳнат фахрийлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Ғалла-2021



БУГУНГИ ҲАРАКАТ –

ЭРТАНГИ БАРАКА ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил қабул қилинган “2021 йилда бошоқли дон етиштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра вилоят майдонда 106 минг гектардан зиёд сувли майдонда ғалла етиштириш белгиланган.

Ҳозирги кунда барча миришкорлар ҳамда соҳа мутахассислари учун бошоқли дон экинлари экилган ҳар гектар

майдондан юқори ва сифатли дон етиштириш устувор вазифа қилиб белгиланган.
Эрта баҳорда тупроқ

таркибдаги озуқа моддалари миқдори камайиб кетиши оқибатида, ўсимлик қишдан “этиборталаб” бўлиб чиқади. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, бундай ҳолатларда ғаллани минерал ўғитлар билан табақалаштирилган ҳолда, илдиздан ҳамда

баргидан озиклантириш, турли касаллик, зараркунандалар ва бегона ўтларга қарши кураш чораларини ўз муддатда қўллаш, суғоришни тўғри ташкил этиш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Вилоятимиз буйича етиштириш бўйича республикада етакчи ўринларда эътироф этилади. Худудда жорий йилда ҳам бу жараёнга алоҳида масъулия билан ёндошилмоқда.

Ёшлар овози

Нурафшондан таралган наво

Нурафшон шаҳридаги “Ёшлар маркази” биносида “Ёшлар овози” фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Республика босқичига йўлланма берувчи мусобақада 6-15 ва 16-30 гача бўлган ёшлар бахшичилик ва анъанавий ижро, эстрада ҳамда опера йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Дастлаб, 6-15 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўз чиқишлари билан фестивалга муносиб тайёрланишганини кўрсатишди. Айниқса, янгиўллик ёшларнинг ижроси кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди.

Натижаларга тўхталадиган бўлсак, фестивалнинг бахшичилик ва анъанавий ижро йўналишида бўқалиқ Умархўжа Акмалов ғолибликни қўлга киритган бўлса, қолган икки йўналишда Янгиўл тумани ёшлари – эстрада йўналишида Нигина Мирдавлатова, опера йўналишида эса Кристина Петрасян тенгсиз, дея эътироф этилди.

ТАШРИФДАН СЎНГ...

Аввал хабар қилганимиздек, жорий йилнинг 18-19 март кунлари Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятига ташрифи давомида Чирчиқ шаҳридаги «Ифтихор» маҳалласида ҳам бўлиб, ҳудуднинг ижтимоий-маданий муҳитини яхшилаш бўйича қатор вазифа ва топшириқлар берган эди.

Вилоят ИИББ бошлиғи, полковник Тоҳир Арипов бошчилигидаги тезкор штаб масъуллари маҳалладаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида бир қатор ишларни олиб боришмоқда. Хусусан, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига 200 га яқин ишчи кучи ва 100 га яқин техникалар жалб қилинган.



Яхши хабар

ҒОЛИБ ЖАМОАЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида “Универсиада – 2020” мусобақаларида умумжамоа бўйича ғолиб ва совриндор бўлган ҳудудий терма жамоаларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Яқиний натижаларга кўра, 1-ўрин – Тошкент вилояти, 2-ўрин – Қорақалпоғистон, 3-ўрин эса Самарқанд вилояти терма жамоаларига насиб этди.

Энг аввало, бирлик, жипслик етишмапти, ватанпарварлик, миллатпарварлик етишмапти. Шахсий намуна, шахсий фидойилик етишмапти.

Тошкент вилояти Худо берган унумдор заминга, оқар сувга эга. Деярли ҳар бир шаҳар ва тумани пойтахтга яқин. Қарийб марказга тенг имконият ва шароитларга эга жойда қутилган натижага эришолмай, доимо хижолат бўлиб юришдек мулзамликдан қачон қутуламиз? Қачон кўзимиз очилади?

Уйлаймизки, бугун мана шу саволлар барчамизни уйлантириши, ҳеч биримизга тинчлик бермаслиги керак.

Вилоятимизга ташрифингиз мобайнида айтган сўзларингиз, айниқса, бир фикрингиз мени чуқур уйғатди.

“Бугун бу ерга келишдан мақсадим, – дедингиз Сиз куюниб, – Тошкент вилоятида ҳам замонга муносиб шароит яратиш. Вилоятда салкам 3 миллион аҳоли бор, уларнинг 150 минг нафари ишсиз. Шунинг учун ҳар бир маҳалладаги “ўсиш нуқталари”ни топиб, шунга жавобгарларни белгилаб, керакли маблағларни топиб, одамларни иш билан таъминлашимиз керак. Ичимлик суви, электр энергияси, йўл ва бошқа шароитларни яхшилаш зарур. Соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, маданиятни кўтариш керак.

Бу мақсадларни амалга ошириш учун вилоятда йирик ва ўрта лойиҳалар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижросига 119 триллион сўм йўналтирилади. Ҳали ҳеч бир ҳудудда марра бундай катта олинмаган”.

119 триллион сўм – айтишга ҳам осон эмас бу рақамлар!

Лекин биздан – Тошкент вилояти аҳлидан бунга нисбатан бўладиган жавоб, курсатиладиган амалий натижа, самара ҳам шунга яраша бўлса эди!

Сиз ўз нутқингизда вилоятда ерга муносабат энг ориқли масалалардан бири эканини очиб-ошқора айтдингиз:

“Тошкент вилоятида халқни нима қийнапти? Аввало, ерга бўлган муносабат. Чунки ернинг эгаси йўқ, талон-торож кўп. Ким кимга сотаяпти – ҳеч кимнинг иши йўқ... Вилоятда ер масаласи ҳал этилмас экан, баракта бўлмайди.

Шу боис кеча мен Қонунчилик палатаси Спикери, Бош прокурор, Олий суд раиси, адлия вазири ва вилоят раҳбари билан маслаҳатлашдим. Ер масаласида Тошкент вилояти бўйича алоҳида қонун қабул қиламиз. Бу қонун бошқа вилоятлар учун ҳам асос бўлади”.

Дарҳақиқат, вилоятимиз халқи меҳнатқаш, ернинг тилини ҳам, қадрини ҳам яхши тушунади.

Сиз куюниб айтганингиздек, ерга бўлган эгасизлик муносабатини тубдан ўзгартиришимиз, бу борадаги коррупцион ҳолатларга бутунлай барҳам беришимиз керак. Ернинг ҳар қаричида миллионлаб одамларимизнинг ризиқу насибаси бор, ҳайру баракот бор.

Халқнинг овози – бу ҳақиқатнинг овози. Сизнинг вужудингизда, қалбингизда ҳаммаша мана шу овоз, ҳақиқат ва адолат овози жарағлаб туради.

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг йиғилишида қатнашиб, бир гапингиздан жуда таъсирланган эдим.

Сиз халқ дардида дахлдор мавзуда сўз юри-

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада)

та туриб, “Бу – менинг ичимдаги кўз ёшларим”, деган эдингиз. Чунки миллат мардларининг кўз ёшини ҳеч ким кўрган эмас.

Сиз яна: “Қоғозсиз гапирсам, юрагимни очиб гапираман”, дедингиз. Мен бу сўзингизни шундай шарҳладим – Президент ўз қалб кўзгусида халқнинг қиёфасини кўради, одамлар кўнглидаги ҳақиқатларни, орзу-армонларни янада яқин ҳис қилади.

Бугун дунёнинг юксак тараққиёт топган давлатлари ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка интиляпти. Нега деганда, янги Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда тинчлик ва барқарорлик, давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, юртимиздаги диний бағрикенглик, миллатлараро ва динлараро тотувлик, гендер тенглиги, ёшлар сиёсати каби умум-

ҳеч кимни унутмаётгани йўқ. Ҳеч ким эътибор ва ғамхўрликдан четда қолаётгани йўқ.

Ота-боболаримиздан мерос бўлган қадим ҳикматларда: “Яратганга, аввало, бемору бечоранинг, муҳторнинг, ёлғизликдан азоб чекаётган болаларнинг, кексаларнинг дуоси этиб боради”, дейилади.

Сизнинг Меҳрибонлик уйларида кўнгли ўксик етим болаларга, Саховат уйларида яшаётган кексаларга кўрсатаётган мадад, кўмак ва ёрдамнинг барчамиз кўриб турибмиз.

Уруш ўчоғига айланган давлатлардан олиб келинган адашган ҳамюртларимиз – аёлларнинг, болаларнинг севинч кўз ёшларига, афе этилганларнинг миннатдорлик ихорларига ҳаммамиз гувоҳмиз.

Улуғ аждодларимиз таъкидлаганларидек,

айтганда, популизмга муккасидан кетиш ҳоллари барчамизни безовта қилиши, ташвишга солиши керак.

Мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларни ҳолисона эътироф этиш, улардан қувониш, умуман, яхшиликни, ёруғликни кўра билиш, ислохотлар моҳиятини англаб етиш, уларнинг натижаларини тан олиш учун ҳам одамда виждон, мардлик ва инсоф бўлиши зарур.

Ўз юртини, ўз мамлакатини фақат қора буюкларга чаплаш орқали ёлгон обрў орттириш на одамгарчилик, на ватанпарварлик, на диёнат мезонларига тўғри келади. Бу бошдан-оёқ маънавий таназзул белгисидир.

Албатта, ҳаёт бор экан, муаммо бор. Муаммо ва камчилик бор экан, уларни бартараф

атчилик бу борада томошабин бўлиб турсак, ким бу эзгу ниятларимизни амалга оширади? Буюк файласуф Абу Наср Форобий ўз асарларида тарбия таълимдан устун турадиган ва таълимга нисбатан эрта бошланадиган жараён эканини исботлаб берган.

Демак, таълим-тарбияга, маънавий озукага ёшлар кўпроқ муҳтож бўлади. Аслида бу табиий жараён. Ота-она ўз фарзандининг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиршини, оилавий аъналар, миллий қадриятларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш учун боласига тарбия беришга Аллоҳ олдида ҳам, эл-юрт олдида ҳам бурчлидир. Биз мана шу олтин қондаларни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Хурматли Президент, Сиз маданият ва маънавият, хусусан, адабиётимиз тараққиётига ҳам бемисол ғамхўрлик қилаётганингизни биз – қалам аҳли миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Бу ҳақиқатни бутун мамлакатимизда маданий ва адабий жараёнларни кузатиб бораётган инсонлар мендан ҳам чиройлироқ қилиб ифодалаб беришларига ишончим комил.

Пойтахти азимда қурилган Адиблар хиёбони, у ерда қад ростлаган Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси, Ижодкорлар уйи кечагина этиб бўлмас озулар эди!

Сизнинг ташаббусингиз билан аввал Зомин туманида, мана энди Паркент туманида шоир-адиблар учун ажойиб маскан қуриб битказилди. Бундай гўзал ва замонавий ижод боғларида, насиб этса, ҳали кўплаб бадиий етук асарлар яратилади.

Мен ҳали турли вилоятларда барпо этилган, улуғ ёзувчиларимиз номин билан аталган ижод мактаблари, янги театр ва музейлар, маданият ва санъат масканлари, истироҳат боғлари, спорт иншоотлари ҳақида сўз юритмадим. Чунки буларнинг барчасини фақат санаб чиқиш учун ҳам жуда кўп вақт керак бўлади.

Бевосита Тошкент вилоятидаги адабий муҳит ҳам кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Яқинда вилоятимиз ёш ижодкорларининг “Нурафшон илҳомлар” деб номланган альманаҳини чоп эттирдик. Сизнинг ташаббусингиз билан қайтадан чирой оқган Бўка туманининг ёш қаламкашлари учун алоҳида альманаҳ нашр этилди. Яна бир неча ёшларимизнинг “Биринчи китобим” туркуми ёшларимиз билан тақдим этиш арафасида турибмиз.

Мухтасар айтганда, ёшларда китобга, ижодга уйғонган ҳавасни алангалатиш, шу орқали ўзбек адабиёти ривожига ҳисса қўшишдек олижаноб ҳаракатларимиз кучайиб бормоқда.

Мухтасар Президент! Сиз давлат раҳбари сифатида фаолиятингизни бошлаган дастлабки кунларда “Меҳнатқаш, оқунгил, бағрикен ҳалқимиз биздан рози бўлди”, деган ўта муҳим бир фикрини, аниқроғи, ҳаётий даъватни илгари сурган эдингиз. Бугун мана шу эзгу интилишлар аста-секин рўйга чиқмоқда.

Ўз-юрт дардида дармон бўлишдек машаққатли ва шарафли вазифани адо этишда Сизга бир ижодкор сифатида мустаҳкам соғлиқ, куч-ғайрат ва доимий ютуқлар тилаймиз. Хурмат билан

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири (“Халқ сўзи” аэзетасининг 2021 йил 26 март сонидан олинди)

ПРЕЗИДЕНТГА МАҚТУБ

инсоний масалаларни ҳал этишда амалий ташаббуслар мамлакатга айланиб бормоқда.

Халқни уйғотиш, қалбларга ишонч бағишлаш, миллионлаб одамларни руҳлантириш, уларни ўз қадру гурури учун курашга чорлаш ва бу борада шахсий ташаббус кўрсатиш буюк тарихий шахсларнинг иродаси билан амалга ошади.

Айнан шундай шахслар янги тарих саҳифаларининг муаллифлари бўлади.

Сизнинг тимсолинингизда эл-юртимиз бугун ана шундай фидойий шахсни кўрмоқда.

Сиз ёшларимиз, фарзандларимизга Ватани, халқ ва миллатни севинши ўргатмоқдасиз. Она юртга садоқат бўлса, ишни ўзим ўргатаман, деб ёшларга катта ишонч билдираётганингизни кўриб, ҳар сафар бир ижодкор сифатида тўлқинланиб кетаман.

Чунки бу болалар шу халқнинг фарзандлари, ўзимизнинг дилбандларимиз – уларга ишонмасак, кимга ишонамиз, уларга суюнмасак, кимга суюнамиз?

Хурматли Президент, бу сўзларим мақтов ёки муболага эмас, кунги кеча бутун дунёни забтига олган пандемия шароитида халқимизга энг катта умид ва таскинни Сиз бердингиз. Саломатлиқни, одамлар ҳаётини сақлаш, ваҳимага тушмаслик учун нимаики керак бўлса, бекаму кўст амалга оширдингиз. Кечаю кундуз уйку нима, ҳаловат нима билмасдан, шундай гоят оғир ва таҳликали вазиятда мардона ишлаганингизни ҳаммамиз яхши биламиз.

Касаллик республикамизга ҳам кириб келган биринчи кунлардаёқ Сиз халққа муурожаат қилиб, “Биз бу синовлардан кучли бўлиб, қудратли бўлиб чиқамиз”, деганингизда, бегоналарни кўя турайлик, афсуски, айрим сафимизда юрганлар орасида, ижтимоий тармоқларда ва бошқа маънан чиркин манбаларда “Кўраимиз ҳали”, дея истехзоли қилиб қўйганлар ҳам бўлганини сир эмас.

Яратганга беҳисоб шукрки, ҳаётнинг ўзи, давру замоннинг ўзи кимнинг қимлигини, ким нимага қодирлигини, Сиз халқимизга кўрсатаётган йўл энг тўғри йўл эканини исботлади.

Инсоннинг ҳаётда сунган одами бўлса, кимдандир меҳр кўрса, унинг бахту иқболи учун жон қуйдираётганлар борлигига ишонч ҳосил қилса, бу дунёда ашагини келади. Бугун Ўзбекистонда одамлар тиштиёқ билан, орзу-ҳаваслар билан яшайпти. Чунки Сизнинг раҳнамолигингизда давлатимиз, жамиятимиз

“Қўлдан қўлга ўтган бойликнинг эгаси тез-тез ўзгариб туради. Дилдан дилга ўтган бойлик эса мудом яшаб қолади”.

Дилдан дилга ўтган бойлик, шубҳасиз, бу – илм. “Ўзингдан кейингиларга ибрат бўлай десанг, ўзингдан аввалгилардан ўрнак ол”, дейишади.

Шунинг учун ҳам Сиз келажакимиз эгаси бўлган ёшларнинг таълим-тарбиясига чексиз меҳр ва куюнчаклик билан қараясиз.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишида яна бир ҳақиқатни айтган эдингиз: “Сен маънан ухлаганингизда душман уйғоқ бўлади”.

Бу ҳикмат нақадар тўғрилигини бугунги мафқуравий, гоёвий жараёнлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Ёшларимиз, азиз фарзандларимизнинг онгу тафаккурини бузиш, бизнинг асрий қадриятларимизга, ўзбекона ахлоқ-одобга ёт гоялар билан захарлаш учун интернет сайтлари, ижтимоий тармоқларда олиб борилаётган ғаразли тарғибот-ташвиқотлар, афсуски, кучайиб бормоқда.

Вилоятимиз ҳокимлиги биносиде яқинда Сизнинг иштирокингизда ўтказилган навбатдан ташқари сессияда айтган бир фикрингиз ҳамон қалбимни саволларга кўмади.

“Томгача пахта эрди, лекин косамиз оқармади. Мақтаб болаларини ҳам пахтага ҳайдардик. 100 йил эғлиб пахта тердик, лекин уч йилдан бери 6,5 миллион киши пахта теришдан қутулди. Бунга катта қийинчилик ва машаққат билан эришилди, бу кўпчилик уйлагандай осон бўлгани йўқ. Биз кластерлар ёрдамида гектаридан пахта бўйича 50, ғалла бўйича 100 центнердан ҳосил олмадик, Тошкент вилоятида кутилган натижага эриша олмадик”, дедингиз.

Ҳа, буларнинг барчаси кунги кеча ушалмас бўлиб туюладиган армонларимиз эмасми? Орда қолган тўрт йил ичида халқимизнинг ана шу озу-ниятлари ушалди-ку! Нахотки, буларни сезмаётган, ҳис қилмаётган бўлсак?

Афсуски, айрим ижтимоий тармоқларда, очкичлик ва ошқоралик экан деб, фақат тирноқ остидан кир излаш, бетгачопарлик, андишасизлик, сохта шуҳратга интилиш, мухтасар



этиш учун доимо ислохотларга эҳтиёж ҳам бор. Бинобарин, жамият ҳаётида ҳақ сўзга, танқидий қарашга бўлган зарурат табиийдир.

Бу гоят муҳим фикрини Сиз ўз чиқишларингизда доимо таъкидлаб келмоқдасиз, барча раҳбарларни мана шундай муҳитда яшаш ва ишлашга даъват этмоқдасиз.

Аммо ҳолисона, дўстона танқид танқидбозликка, муаммони кўрсатиш шахсни таҳқирлашга, манфаатлар уйинига айланиб кетмаслиги шарт.

Бугун негадир шароит ва имкониятлар кенгайгани сари баъзи одамларда боқимандалик кайфияти кучайиб бораётгандек, назаримда. Аксарият кишилар дунёқарашда эгоизм – худбинлик кучайиб, ижтимоий ялқовлик “синдром”и кўзга ташланмоқда.

Чиноз туманида бўлганингизда куюнчаклик билан айтганингиздек, нега одамларимиз ўз томорқаларига беларво қарайди? Нега лоқал ўзи яшайдиган ҳовлисининг деворини оқлаб, кўчасини супуриб, чор-атрофини озода тутмайди?

Биз азалдан тозалик, озодалликка ор-номус даражасида қараган, “Поклик – иймондир” деб билладиган халқимиз-ку, ахир!!

Одамлар онгини ўзгартириш, уларнинг дунёқарашини, маданий савиясини кўтариш айна кунининг ҳақиқатан ҳам энг муҳим талабидир. Биз – вилоят зебилари, фаоллар, нурунийлар, мутасадди ва кайвонилар, кенг жамо-

Дарҳақиқат, янги марказ биносини мебель жиҳозлари, моддий-техника ҳамда бошқа зарур воситалар билан таъминланиши учун мазкур кўшма лойиҳа ҳисобидан қарийб 700 миллион сўм (грант) маблағлари ажратилди.

ва бизнесни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Марказ биноси “SHAXRUZBEK HALIMJON QURILISH” масъулияти чекланган жамият бунёдкорлари томонидан барпо этилди. Ташриф буюрувчилар учун барча

етмиш ёшгача бўлган фуқаролар асло толиқмайди. Ҳозир сув ҳисоблагичини тамгалаш юзасидан муурожаат қилганда, беш дақиқада ишимни ҳал қилиб беришди. Хизматчиларнинг ҳушфёъллиги муаммоларимни аритди. Ҳамма-ларига раҳмат!

Ҳақиқатан ҳам, бино кирверишида марказ ходими сизни илқ табассум билан кутиб олади. Муурожаатингизни ўрганиб, тегишли ходимлар томон йўналтиради. Электрон навбат, инфокиос ташкил этилгани эса аҳолига қулайлик яратади. Марказ бир вақтнинг ўзида 16 нафар, бир кунда 400-450 нафар фуқарога хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

Замонавий жиҳозланган залдаги 6 та монитorda 150 дан ортиқ давлат хизмати турлари юзасидан ҳамда қайси операторга учрашиш кераклиги ҳақидаги маълумотлар фуқаролар учун тақдим этиб борилади.

– 2020 йилда марказ томонидан 37 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди, – дейди марказ директори Мирсаид Султонов. – Ярақ тартибдаги тадбиркор сифатида 484 та, юридик шахс сифатида 282 та янги тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди. Янги марказ биносининг қурилишида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу, ахборот тизимларини идоралараро интеграция қилинишини яхшилаб, аҳолига давлат хизматларини қулай ва ўз вақтида олиш имконини яратади.

Ўз мухбиримиз Аббор ЭСОНОВ /Тошкент ҳақиқати/ олган суратлар



Марказ ҳам, хизмат ҳам ЗАМОНАВИЙ

Ахборот-коммуникация технологиялари ускуналари, серверлар, компьютерлар, тармоқ ва телекоммуникация қурилмалари, видеокузатув мосламалари, фойдаланувчи билан алоқа механизмлари шулар жумласидандир.

Таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг тақомиллаштирилиётгани аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, юртимизда инвестиция иқлими, ишчанлик муҳити

қулайликлар яратилган. Юқори хизмат кўрсатиш стандартларига, фуқароларнинг қутиш вақтлари унумли ўтишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, марказнинг ўзида ФХДБ бўлими ҳам жойлашган.

Шаҳарнинг “Обод турмуш” маҳалласида истикомат қилувчи 63 ёшли Норинса Аҳмедова янги марказ қулайликлари ҳақида шундай дейди:

– Давлат хизматлари маркази ўз номига муносиб шароитларни яратганидан бошим қўкка етди. Бу ерга келган етти ёшдан

Жараён

Хабарингиз бор, дунёнинг кўплаб минтақаларида бутун инсоният этила бошланди. Бу жараёнга мамлакатимизда ҳам жуда катта масъулият ва илмий тайёргарлик билан ёндашилмоқда.

Яқинда Оққўрғон туманида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун “COVID-19 билан боғлиқ бугунги вазият, вакцинация жараёнларига тайёргарлик” мавзуда медиа-тур ташкил этилди. Вақиналарни қабул қилиш, ташшиш ва

қармаси бошлиғи Абдуҳаким Сотволдиев. – Шу ойнинг бошида 1 минг 501 нафар тиббиёт ходими ўқитилиб, махсус тайёргарликдан ўттиди. Марказдан ва аҳоли яшаш масканларидан узоқда жойлашган ҳудудлардаги эмлаш пунктларига 53 та ав-

“Нажот манзили”га саёҳат

саралаш бўйича Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати вилоят бошқармасида ва Оққўрғон туманида махсус омборхона ташкил этилган. Медиа-тур аввалида журналистлар мазкур омборхонадаги шарт-шароитлар билан танишиб, вакцина билан дастлаб кимлар эмланиши ҳақида маълумот олишди.

Маълумотларга кўра, биринчи босқичда жами 728 минг 489 нафар фуқаро эмланиши кўзда тутилган. Аввало, вакцина билан 85 ёш ва ундан юқори бўлган нурунийларнинг 15 минг 591 нафарлик рўйхати шакллантирилган. Шунингдек, 41 минг 12 нафар 75-84 ёшлилар, 113 мингта яқин 65-74 ёш оралиғидаги фуқаролар эмланиш режасига киритилган.

Қолаверса, алоҳида қайд этилган хасталиклардан азият чекаётганлар, шунингдек, аҳоли билан кўп мулоқотда бўлувчи 47 минг нафар тиббиёт ходими, мактаб ўқитувчиларининг 50 мингдан ортиги, мактабга таълим ташкилотларининг 17 мингта яқин тарбияланувчилари эмланди.

– Айни кунларда вилоятимизда 348 та эмлаш хоналари ташкил этилган, – дейди Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати вилоят бош-



тотранспорт воситаси бириктирилган. Жараёнга вилоят бўйича 331 шифокор, 623 нафар вакцинадор жалб этилган.

Медиа-тур иштирокчилари тумандаги “Ҳамзаобод” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 34-оилавий поликлиникада эмлаш жараёни учун ҳозирланган шароитлар билан яқиндан танишишди.

Тадбир якунида матбуот анжумани ҳам ташкил этилди. Унда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Нигора ЎРОЛОВА /Тошкент ҳақиқати/

1 АПРЕЛдан чекловлар ўрнатилади

Республика махсус комиссия сўнги кунларда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида коронавирус инфекцияси билан касалланиш ҳолатлари ортанлиги муносабати билан мамлакатимизда кескин эпидемиологик ҳолат юзга келишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги тақлифларни маъқуллади:

Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида:

тўйхоналарда оилавий тантана, тўй, маърака ва маросимларни ўтказишда касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида санитария-эпидемиологик назоратни кучайтириш ва ташриф буюрувчилар сонини 100 кишидан кўп бўлмаган ҳолда ўтказиш; театр, кино (кинотеатр) ва концерт-томоша дастурларини ташкил этишда;

томоша дастурлари ўтказиладиган саройларга ташриф буюрувчи томошабинлар ҳамда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг катъий никоҳда (маскада) бўлишларини таъминлаш;

томоша дастурлари ўтказиладиган саройларнинг томошабин сигимини инобатга олган ҳолда томошабинлар сонини 50 фоздан оширмаслик;

томоша дастурлари ўтказиладиган саройларнинг томошабин ўриндиқларидан оралик масофани сақлаган ҳолда фойдаланилишини таъминлаш;

томоша дастурларига ташриф буюрувчиларнинг тана ҳарорати назоратини ўрнатилган ҳамда тана ҳарорати кўтарилган шахсларни дастурга қўймаслик;

томоша дастурлари ўтказиладиган саройларда савдо шахобчалари фаолиятини тўхта-тиш (ниқоб ва антисептик воситалар савдоси бундан мустасно).

БУГУНГИ ҲАРАКАТ – ЭРТАНГИ БАРАКА ГАРОВИ

Бу эса, ўз навбатида, кўчат қилиниги барқарорлаштиради. Шунингдек, ўсимликда тулланиш жараёни жадаллаштирилади, 1 м² майдонда 550-600 тагача маҳсулдор поя ҳосил қилишга замин яратилади. Эрта баҳорги озиклантиришни ўз мuddатида ўтказиш ҳисобига ҳар гектаридан 4-6 центнергача қўшимча ҳосил олишга эришилади. Бу жараёнда азотли ўғитлар мезёрини аниқлашда

Шунинг учун махсус ҳандақлар қавлаиб, уларни маҳаллий ўғитлар билан тўлдириш ёки устини тупроқ уюми билан қўйиш орқали 4-5 ой давомида чиритилиши керак.

Шунингдек, ғаллани суғоришда сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш мақсадида контурлардаги сув йўллари картага тушириш, биринчи навбатда, сув тармоқларини тозалаш, суғориш-



ўсимликларда ўсиш даврининг бошланиши муҳим ўрин тутлади.

Шу билан биргаликда, баъзи ҳолларда ўсимликларда ривожланиш жараёни кеч бошланиши натижасида уларда озук моддалар ўзлаштирилиши пасаяди. Бунда ўсимликда генератив органлар ривожланишини кучайтириш мақсадида азотли ўғитларни йиллик мезёрига нисбатан 25 фоизга эмас, балки 30 фоизга ошириш тавсия қилинади. Бироқ, эрта баҳорги озиклантиришда азот мезёрини тўғри танлаш ҳам ўта муҳим. Бу жараёнга озгина эфтиборсизлик қилиш натижасида ўғитнинг ўзлаштирилиш кўрсаткичини кескин тушириб юбориш мумкин.

Бундан ташқари, экинларни суғоришда ҳам қўшимча озиклантириш мақсадида жамғарилган маҳаллий ўғитларнинг 50-60 фоизини шарбат усулида оқизилиши яхши самара беради.

Бунинг учун, ғалла майдонларининг сув кириш қўлоқларида шарбат ўраларини қазिश ва ҳар бир гектар майдонга 5 тоннадаги маҳаллий ўғит жамғариш тавсия этилади. Шарбат учун тайёрланган гўнг албатта чиритилган бўлиши шарт, акс ҳолда турли хил бегона ўтлар ва айрим касаллик тарқатувчи замбуруғ спораларининг учришига сабаб бўлади.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ни сув манбаидан узоқда жойлашган майдонлардан бошлаш лозим. Умуман олганда, баҳорги мавсумда малакали агроном ва энтомологларнинг хулосаларини инобатга олган ҳолда, турли касаллик, зараркунанда, ҳашарот ва бегона ўтлардан кучли зарарланган майдонларда тегишли чора-тадбирларни кучайтириш зарур. Фермерларимиз агротехник тадбирларни белгиланган мuddатда, маромига етказиб бажарсаларгина жорий йилда ҳам ғалладан мўл ҳосил қўтаришга эришадилар.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, 2021 йил ҳосили учун экинлар кузги бошоқли дон экинларидан сифатли ва мўл ҳосил олишни таъминлаш мақсадида, мазкур майдонларда агротехник тадбирларни белгиланган тартиб ва мuddатларда сифатли бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг виллоят бошқармаси ҳамда туман бўлимлари инспекторлари томонидан қатъий ва тизимли назорат ўрнатилган.

СОДИҚ СОДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси виллоят бошқармаси бошлиғи

Устоз ношир Жўрабой Ашуоров бир умр битта ишхонада фаолият юритиб, жамоада ҳам, жамиятда ҳам обрў-этибор топган инсон.

Жўрабой Ашуоров Урта Чирчиқ туманида таввалуд топган. Ҳаёт бўлганида шу кунларда 84 ёшни қарши оларди. У меҳнат фаолиятини 1956 йил Урта Чирчиқ тумани босмахонасида оддий ишчиликдан бошлаган. Сабрнинг таги олтин, деганларидек, сабр-қаноат ва ҳалол меҳнат ордан зинама-зина раҳбар лавозимига кўтарилди.

Ж. Ашуоров илганувчан ва ташаббускор бошлиқлар тоифасидан эди. Унинг 40 йиллик раҳбарлик фаолиятида туман босмахонаси замонавий техникалар билан жиҳозланиб, йил сайин ҳар томонлама ривожланиб борди.

Биргина мисол, виллоятдаги босмахоналар ичида газетани офсет усулида чоп этишни биринчи бўлиб шу инсон йўлга қўйган эди. Бунинг натижаси ўлароқ, босмахонага буюртмалар сони ошиб борди. Жумладан, ўша пайтларда Урта Чирчиқдан ташқари, Бўка, Паркент, Юқори Чирчиқ, Пискент каби қўшни туман газеталари маълум мuddат мазкур босмахонада чоп этилган.

– Жўрабой акани “Машъал” газетасида ишлаб юрган кезларимда танинман. У камтар ва самимий, ҳар қандай ишга масъулият билан ёндашадиган одам эди, – дейди Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Муҳаммаджон Отақулов. – Кўнгли очик одам бўлгани боис ҳеч кимдан ёрдамини аямасди. Қолаверса, талабчан ва масъулиятли раҳбар сифатида босмахонага келган буюртмаларни сифатли ва ўз вақтида тайёр бўлишига жиддий эътибор қаратди. Кейинчалик Юқори Чирчиқ тумани газетасига муҳаррир бўлиб борган вақтимда ҳам бу камтарин инсон билан тез-тез мулоқотда бўлиб турдим.

Дарвоқе, Жўрабой Ашуоров жамоат ишларида ҳам жуда фаоллик кўрсатди. У виллоят Матбуот бошқармаси (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси

Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги виллоят ҳудудий бошқармаси) қошида ташкил қилинган Кенгаш аъзоси ҳисобланарди.

– Ўша вақтларда мазкур Кенгаш аъзоллигига виллоятдаги бошқарма ва

10-синфда ўқирдим, – дейди Машхура опа. – Кунларнинг бирида устозим келажакда ким бўласизлар, деб сўраб қолди. Шунда дадамнинг касбини давом эттирмоқчилигини айтдим. Бу воқеани уйга бориб отамга сўзлаб бердим. Падарим буни эшитган, жуда

аммо юзага келса, уни ҳал этмагунча тинчимасди. Ўзимнинг ҳаётимдан мисол келтирай. Қайилларим уйланишгандан сўнг, биз алоҳида уйга кўчишга мажбур эдик. Лекин, бизда ортиқча уй-жой йўқ эди. Уч нафар болам билан деярли кўчада қолгандик. Бу воқеа-

Яхшилар ёди

Битта идорада қарийб 50 йил меҳнат қилиш, ишлаганда ҳам 40 йилдан ортқ номунали раҳбар бўлиш, меҳнат дартарчасига фақат битта ташкилотнинг номигина ёзилиши камдан кам одамга насиб этади.



ташкилотларнинг энг сара кадрларидан танлаб олинарди, – дейди виллоят Матбуот бошқармасида 20 йил раҳбар лавозимда ишлаган Шавкат Миролимов. – Жўра ака Кенгаш аъзоси сифатида узоқ йиллар фаолият юритган. Бу вақт ичида фаоллик ва фидойилик билан ишлаб, виллоятда матбаачилик, газетачилик ва китоб савдоси соҳалари ривожига катта ҳисса қўшган.

Жўрабой Ашуоров кўп йиллик самарали меҳнати давомида устоз-шоғирд тамойили асосида соҳа учун салоҳиятли кадрлар тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Шоғирдлари орасида қизи Машхура Пардаева ҳам бор.

– Адашмасам, ўша вақтларда

Ярим аср зие оралаб

хурсанд бўлиб, мени қўллаб-қувватлаганлар. Дадам нафақат танлаган касбимда, ҳаёт йўлимда ҳам устозим ҳисобланадилар. Матбаачилик сирларини менга эринмасдан ўргатдилар. Турмушдаги қийинчилик ва муаммоларни уларнинг кўмаги билан енгиб ўтдим. Ҳаётим тажрибаларидан фойдаланиб, маслаҳат ва тавсияларини бериб борардилар. 9 нафар фарзандга ўқишимиз, ҳаётда ўз йўлимизни топишимиз учун барча шартларни яратиб бердилар. Биронтани бирор марта қаттиқ койганларини эслолмайман.

– Босмахонага 1971 йилда ишга келганман, – дейди Зухра Эргашева. – Жўра ака билан 30 йилдан ортқ бирга ишладик. Хато қилсак, хушмуомалалик билан камчиликларимизни тушунтириб беради. Иш жараёни ўз йўлига, лекин ишчиларни ўзининг турмуш инсонидек қўриб, уларнинг ярқин шариҳти билан доимо қизиқиб келарди. Кимнингдир ҳаётида бирорта му-

лардан хабар топган раҳбаримизнинг шахсан ўзи керакли ҳужжатларни йиғиб, тегишли ташкилотларга мурожаат қилган. Унинг ҳаракатлари билан ҳокимлик томонидан берилган кўп қаватли уйлардан 3 хонали хонадонга эга бўлганми. Ҳозир ҳам ўша жойда яшаймиз. Уйимизнинг ҳар битта бурчагида худди Жўра акани кўргандек бўламиз.

Таъкидлаш жоизки, Жўрабой Ашуоровнинг узоқ йиллик машаққатли меҳнати ва матбаачилик соҳаси ривожига қўшган беқиёс хизматлари бесамар кетмади. Унинг меҳнат фаолияти муносиб баҳолалиб, “Машъал” газетасининг 50 йиллиги байрами арафасида “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони билан тақдирланган.

Дарҳақиқат, инсон касбига бор меҳрини бериб, ҳалол меҳнат қилса, бунинг ордан албатта, роҳат ва қадр топмасдан қолмайди.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги виллоят ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси

Таассуф

ОЛАҚАРҒАНИНГ ОШНАСИ

Инсон жиноят қўчасига билиб-билмай қадам босишида қимлар билан яқин мулоқотда бўлаётгани ҳам муҳим. Шундан бўлса керак, шерининг олақарға бўлса, титтанинг гўнг бўлади, дейишдади.

Навбатдаги суд мажлисида судланувчининг қилмишига яраша жазо тайинланди. Лекин, бизни мулоҳазага ундайдиган айрим хатти-ҳаракатлар борлиги учун жиноят ишидан мисол келтиришни лозим топдик.

Рашид Алиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Шерали Ғаниев билан яқин таниш эди. Тез-тез учрашиб, бўш вақтини бирга ўтказишарди. Кунларнинг бирида Шералининг хотини Рашиддан хафа бўлиб: “Турмуш ўртоғим бўш қолди дегунча сизнинг олдингизга бораётгани учун оиласига ҳам вақт ажратадиган бўлди”, дейди. Шу гап туфайли Рашид Шералидан узоқлашиб кетди. Кейин у ўзига ҳам бир дўст топади. Кўр кўрни қоронғуда топибди, деганларидек, Рашид билан Мурод тайинли бир

иш йўқлиги учун деярли ҳар куни бекорчиликдан нима қилишни билмай, суҳбатлашиб ўтирадиган бўлишарди.

Бу орада эски гина-қудуратлар эсига тушган Рашид ҳамтового Муроднинг Шералини машинасида доим пул юриши, уни ўғирлаш кераклиги ҳақидаги режасига рози бўлади. Биргаликда ўғрилик қилиб, судда боши эгик ўтирган бу икки кас айбини тан олсада ўзини оқламоқчи бўлди.

Нима эмиш, Рашид Муроднинг таклифига кўнмаган экан. Кунларнинг бирида Мурод: “Шерали ажратадиган бўлди”, дейди. Шу гап туфайли Рашид Шералидан узоқлашиб кетди. Кейин у ўзига ҳам бир дўст топади. Кўр кўрни қоронғуда топибди, деганларидек, Рашид билан Мурод тайинли бир

нинг қанча пулини ўмаришибди, деган савол ҳаёлингиздан ўтаётган бўлса керак. Шерали машинасини кафе олдида очик қолдириб кетганини билган Рашид шу ҳақда Муродни қабардор қилади. Икковлон машинада катта пул бор деб, уни олиб қочади. Четроққа чиқиб умарсак, ҳеч ким билмай қолади, деган фикрда машинани дала томон ҳайдашади.

Бузоқнинг югургани сомонхонага, деганларидек, жиноят “иссиғи”да фosh бўлди. Лекин, бир ношуднинг аҳмоқона таклифи туфайли Рашид ҳам ўғри, деган ном олди.

Шундай деймиш, лекин ўзида ҳам айб бор. Мурод нима деса кўниб кетавермасдан, қилмиш-қилдириш, деган иборанинг мағзини чаққанида эди, суднинг қора курсида ўтирмаган бўларди.

Аҳаджон ЎЛМАСОВ,
Жиноят ишлари бўйича Юқори Чирчиқ тумани суди раиси

Мутахассис фикри

Янги алифбо эски хатолардан ҳолими?

Яқинда <https://regulation.gov.uz> норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари муҳокамаси порталида “Янги алифбо лойиҳаси” эълон қилинди.

Бу лойиҳа аввалгиларидан анча яхши, муаммоли ҳарфлар – G', Sh, Ch ҳарфлари учун

Энди лойиҳанинг асосий камчиликлари ҳақида тўхталамиз.

нг товуши. Араб ёзувимизда нг товуши учун яхлит ҳарф ажратилган. Ўзбекларнинг, умуман, туркий халқларнинг ўз ёзуви ҳисобланган Ўрхун-Енисей ёзувида ҳам мазкур товуш учун яхлит ҳарф белгиланган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, кўпчилик олимларнинг эътироф этишича, нг(п) товушининг табиати, нг(п) дан кейин қачон г ҳарфи орттирилиши, талаффуз ва имло хусусиятлари ҳали яхши ўрганилмаган. Шунинг учун бу масалалар махсус тадқиқ этилиши керак.

Уттан асрнинг 70-йилларидан бери нг товушига яхлит бир ҳарф олиниши кераклиги ҳақида ёзилмоқда. Биз ҳам тилимиздаги фаол, кўп қўлланадиган ушбу товуш яхлит, муайян ҳарф билан ифодаланиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки мазкур фонема, юқорида айтилганидек, Ўрхун-Енисей, араб ҳамда 1929, 1993-йиллардаги лотин асосли ўзбек алифболарида яхлит, бир ҳарф билан берилган. Бошқирд, уйғур, қозоқ, татар, қирғиз, туркман каби кўпчилик нг(п) товуши бор бўл-

ган туркий тиллар алифболарида бу товушга яхлит бир ҳарф ажратилган. Алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур фонема нг шаклида икки ҳарф орқали ифодаланганда, талаффузда кўпол хатолар тез-тез учрамоқда. Масалан, боринг, келинг, билинг, сенинг, унинг, кенг каби сўзлардаги нг ни битта яхлит товуш сифатида эмас, балки ушбу сўзлардаги н ва г ҳарфларини алоҳида-алоҳида н, г тарзида талаффуз қилиш авж олмоқда. Битта мустақил фонеманинг икки белги билан ифодаланиши кўп чалкашликларга олиб келмоқда. Ишак ҳурмат шакли -нгизга бир г орттирилиб, тоғангиз, холангиз, уқангиз, китобларингиз шаклида бузиб талаффуз этилмоқда. Баъзи ватандошларимиз нг ни иккита товуш деб ўйлаб, келингни келинчк, борингни боринчк, ўқингни ўқинчк деб талаффуз қилмоқда. Бизнинг хулосамиз: нг товуши учун яхлит ҳарф олиниши керак. Бунинг учун н ҳарфининг остига бир диакритик белги (п) қўйилса киёфа. 1929 йилда қабул қилинган лотин алифбосига асосланган алифбомизда ҳам нг фонемаси учун худди шу ҳарф олинган эди.

Ҳар бир товуш учун бир ҳарф ва ҳар бир ҳарф учун бир товуш принци-

лига амал қилинсагина алифбомиз мукамал бўлади.

Кирилл ёзувида асосланган ўзбек алифбосида “у” товуши учун лотин асосли янги алифбога O, o белгисини эмас, балки о ни олиш лозим. Чунки лабланган, тил орқа, қаттиқ бу фонема барча туркий тилларда, рус ва бошқа тилларда ҳам о ҳарфи билан берилган. Унификация учун ўзбек алифбосига ҳам кирилдаги ў учун шу ҳарф (o) олиниши керак. Афсуски, бу янги лотин асосли ўзбек алифбоси лойиҳасида о ҳарфи икки вазифани бажаради. У ўзбек тилига хос бўлган, бошқа туркий тилларда учрамайдиган, келиб чиқishi бахтли тил орқа, кенг, лабланмаган (тор, оз, соз каби сўзлардаги) о ни ва рус тилидан ўзлашган ток, орган, орден, опера, оптика каби сўзларда учрайдиган о фонемаларини ифодалайди. О ва ў товушлари учун кирилл алифбомизда лабланганига ў, лабланмаганига о белгиси олинган. Чалкашлик ўшандан бошланган. Барча туркий тилларда учрайдиган лабланган фонема учун о ҳарфи белгилангани ҳолда негадир ўзбек тилидаги мазкур фонемани ў олинган. Бу билан алифбомиз бошқа туркий



халқлар алифболарига яқинлашиш ўрнига улардан узоқлашган. Кимдир, кимлардир ўзбек алифбоси бошқа туркий халқлар алифбосидан фарқи бўлишига атайдан сазй-ҳаракат қилганга ўхшайди...

Кўриниб турганидек, олдинги кирилл алифбосида ҳам, ҳозирги янги лотинга асосланган алифбо лойиҳасида ҳам бу икки фонемани ҳарфлар нотиғри белгиланган. Бунинг оқибатида ўзбекнинг о ли сўзларини бошқа туркий халқлар, умуман, алифбосида о ҳарфи бор халқлар нотиғри ўқийди. Ҳозир бошқа туркий халқлар ўзбекнинг bosh (бош) сўзини bo'sh (бўш), oq (оқ) сўзини o'q (ўқ), ot (от) сўзини o't (ўт), qoshiq (қошиқ) сўзини qo'shiq (қўшиқ) деб ўқийдилар.

Бизнинг хулоса: лабланган, ўрта кенг унли (кирилчада ў) учун бошқа туркий тиллар ва алифболарида мавжуд о ни янги лотин асосли ўзбек алифбосига олиш лозим. Фақат ўзбек тилига хос бўлган кенг, лабланмаган, ҳозирги лотин ёзувимиздаги о

учун а белгисини олиш керак. Чунки о аслида а дан келиб чиққан. Ана шундагина алифбомиз ихчамлашади ва бошқа туркий халқлар алифболарига яқинлашади. Руслар ва кўпгина европалликлар ҳам сўзларимизни тўғри талаффуз этишда, тушуномчиликлар камаяди.

Агар а, ä, i, i, u, ü, o, ö ҳарфлари қабул қилинса, миллий алифбомиз мураккаблашмайди, балки осонлашади, тилимиздаги товушларни тўғри талаффуз қиладиган бўламиз. Бошқа туркий халқлар алифболарида мазкур товушлар бор-ку! Ўзбек тили — туркий тил. Демак, туркий тилларга хос бўлган қонуниятлар унга ҳам хос. Мана, саксон беш йилдан бери ўзбек тили алифбосида юмшоқ-қаттиқлик акс этмапти. Жуфт унлилар фақат а, и, у, ў ҳарфлари билан ифодаланапти, уларнинг жуфтлари махсус ҳарфлар билан берилмапти. Энди ўзликка қайтиш пайти келди. Ўзбек тилида ўнта унли фонема бор. Уларнинг ҳар бирига биттадан ҳарф ажратиш керак.

Янги лотин ёзувида асосланган энг сўнгги янги ўзбек алифбоси лойиҳасининг асосий камчиликлари қуйидагилардан иборат:

- 1) битта товуш икки ҳарф (нг) билан ифодаланган;
- 2) икки товуш бир ҳарф (o) билан берилган;
- 3) янги алифбога жуфт унлилар – а, ä, i, i, u, ü, o, ö фонемаларини ифодаловчи ҳарфлар киритилмаган.

Бердак ЮСУФ,
филология фанлари номзоди,
ЎЗ ФА Ўзбек тили,
адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими

Тошкент виллояти ҳудудда 2021 йил 1 март ҳолатига соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида фаолият кўрсатувчи корхона ва ташкilotлар тўғрисида маълумот

Мамлакатимизда олиб борилган чора-тадбирлар натижасида, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг самарадорлиги, сифати ва қулайлигини оширишни таъминлаш борасида фаолият кўрсатаётган ҳамда янги ташкил этилаётган корхона ва ташкilotларнинг сони йилдан-йилга сезиларли равишда ошиб бормоқда.

Жумладан, 2021 йил 1 март ҳолатига виллоят бўйича соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳаларида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 772 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,1 фоизга ошди.

Мазкур соҳаларда корхона ва ташкilotлар сони кўпайишининг асосий омилли: (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан), соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятда – 17,3 фоизга (жами соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасидаги улуши 94,0 фоиз), яшаш учун жой билан таъминланган ҳолда парваришда – 4,5 фоизга (жами соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасидаги улуши 3,0 фоиз) ва яшаш учун жой билан таъминланмаган ҳолда ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг 27,8 фоизга (жами соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасидаги улуши 3,0 фоиз) ўсишидир.

Фаолият кўрсатаётган соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасидаги корхоналар сонининг юқори кўрсаткичлари:

- Қирғай туманида – 91 та, виллоятдаги улуши 11,8 фоиз;
- Зангиота туманида – 67 та, виллоятдаги улуши 8,7 фоиз;
- Олмалик шаҳрида – 63 та, виллоятдаги улуши 8,2 фоиз;
- Чирчиқ шаҳрида – 62 та, виллоятдаги улуши 8,0 фоиз;
- Ангрен шаҳрида – 55 та, виллоятдаги улуши 7,1 фоиз қайд этилди.

ТОШКЕНТ ВИЛЛОЯТИ
СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

Эълон

Сергели политехника касб-хунар коллежи томонидан 2011 йилда Очиллов Садам Хусен ўғли номига берилган К № 2257784 (руйхат рақами – 1435) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Миллий либос – Матифатга мос



Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш комиссияси ташаббусига асосан, жорий йилнинг 23-26 март кунлари вилоятда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кийинчи маданиятини янада ривожлантиришга қаратилган «Нафосат» фестивали ўтказилиши режалаштирилган эди.



Нафосат-2021

мода йўналишларини синдириш дизайнерлик фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этади, – дейди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти магистранти Азиза Сайфуллаева. – Вилоятда ўтказилиши режалаштирилган «Ёш дизайнер» танловиди ҳам қатнашиб, «Made in Uzbekistan» ёрлиги остида тайёрланган либосларда ўзбек аёлларининг замонавий имиджини яратиш орзусидаман.

Аллома АЗИЗОВА
/Тошкент ҳақиқати/
Аброр ЭСОНОВ
олган суратлар

Мақсуд фестивалнинг очилиш маросими Тошкент туманидаги "Маданият маркази"да бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида вилоятимизда фаолият юритувчи дизай-

нер ва ҳунармандлар томонидан яратилган миллий либослар кўргазмаси ҳам ўтказилди. Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Озода Парпиева сўнги йилларда

мамлакатимиз, хусусан, вилоятимизда хотин-қизларнинг мавқеини янада юксалтириш, уларнинг давлат ишлари ва жамиятдаги фаол иштирокни таъминлаш масалалари сиёсат даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидла-

ди. Зотан, ижтимоий ҳаётда аёллар нуфузининг ортиб бориши, уларнинг ташқи кўриниши ва кийинишига ҳам эътибор қаратишни тақозо этмоқда. – Кийим андозасига замонавий руҳдаги, менталитетимизга хос

Эй, умри азиз...

Юзга кўриш... ОСОНМИ?

Ўрта Чирчиқ туманининг «Ўй-ғур» маҳалласида истиқомат қилувчи Саида ая Қозокбоева баҳорнинг илк кунларида табаррук 105 ёшни қаршилади. Қўлоқларига бойчечагу ялпиз кистириб, сумалаклар пишириб, ўлану лапарлар айтиб етдилар бу муборак ёшга.



– Болалигим кийинчиликда кечган, – дейди ая. – 1916 йилда туғилганман. 11 ёшга тўлганимда ота-онадан 5 фарзанд етим қолдик. Укаларимга бош бўлиб, вояга етказдим. Уруш йилларида аёллар пахтачилик бригадасига етакчилик қилдим. Оғир йиллар эмасми, фронт ортида эркаклардек меҳнат қилдик. Зогора нонга зор эдик, атала ичган кунимиз эса байрам буларди. Лекин, асло ноумид бўлмадик, эзгу ниятлар билан дориламон кунларга етиб келдик.

Онахон чиндан ҳам саодатли кунларга ҳалол меҳнат билан етиб келди. «Тошкент» канали ва Сирдарё вилоятидаги бир неча каналлар қурилишида фаол қатнашиб, фронт ортидаги машаққатли меҳнатларда тобланди. Умрдоши Амир Қозокбоев билан 9 фарзандни вояга етказди. Қисмат экан, жони жонига пайванд жигарбандларининг 4 нафарини тупроққа қўйди...

Матонатдан яралган аёл ҳаёт синовлари олдида асло букилмади, синмади. Эндиликда 5 фарзанд, 55 невага, юзга яқин эвараю чеварларлар меҳрига қониб, саодатли умргузаронлик қилмоқда.

Яқинда 105 баҳорни қаршилаган онахонга туман ҳокимлигининг қўлоқлари етказилди. Икки аср юзини кўрган онахон юртимизга тинчлик, омонлик, юртдошларимизга хотир-жамлик тилаб, дуога қўл очди.

Анора КАРИМОВА



НУРАФШОНДАН ТАРАЛГАН НАВО

– Бугун мен учун унутилмас кунлардан бири бўлди, – дейди 11 ёшли Нигинанинг отаси Мирзахаким ака. – Билсангиз, ота учун ҳаётда фарзанднинг галабасини кўришдан-да кўпроқ қувонч йўқ. Мен фарзандимнинг устоз ва ўқитувчиларига ўз миннатдорчилигини билдираман. Қизимнинг республика босқичида ҳам юқори ўринларни қўлга қиратишдан умидворман.

да ўтказилган мусобақа ҳам мухлис мутахассисларнинг катта қизиқишларига сабаб бўлди. Бу ҳақларнинг яқиний натижаларида ҳам акс этмай қолмади. Хусусан, бекободлик Хилола Кенжаева бахшичилик ва анъанавий ижро йўналишида 1-ўринга лойиқ қўрилган бўлса, опера йўналишида Бўстонликдан келган Гузал Абдуллаевага тенг бўла оладиган рақиб топилмади. Фақатгина эстрада йўналишидаги чиқишларда фоллибик ўғил болаларга

насиб этди. Бўка туманида тенгсиз деб топилган Баҳром Жақимов вилоят босқичида ҳам бу натижа тасодиф эмаслигини исботлади ҳамда республика босқичига йўлланма-ни қўлга киритди. Энди улар июнь ойида Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилиши режалаштирилган фестивалнинг якуний босқичига тайёргарликни давом эттиришади.

Сухробжон САДИРОВ
/Тошкент ҳақиқати/

Бизга ёздилар

Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус жойларда ўз самарасини бераётгани қувонарли.



ТАРМОҚЛАР "РАҚСИ"

– Мақтабимизда 458 ўқувчига 64 нафар педагог санъат сирларидан сабоқ бермоқда, – дейди Бекобод шаҳридаги 20-сонли Болалар мусика ва санъат мактаби директори Бахтиёр Аҳмедов. – Бизда 13 та йўналиш – рассомчилик, фортепьяно, хореография,

торли чолғулар каби бўлимлар мавжуд бўлиб, ўқувчиларимиз истеъдодларини юзга чиқаришлари учун барча имконият, билим ва тажрибамизни ишга соллашган. Мактаб жамоаси беш ташаббусдан руҳланиб, болаларни спорт, компьютер, ки-

тобхонлик тўғрақларига жалб қилишда ҳам фаоллик кўрсатишмоқда. **СУРАТДА:** тажрибали педагог Ирина Анарова фортепьяно машғулоти жараёнида. **Султонбой ДЕҲҚОНОВ** олган сурат

Ҳикматли дунё

Отамнинг дўстлари кўп эди. Дўстлар йиғилишиб қолишса бир-бирларига муносабати, ҳурмат-иззатини қузатиб, гурунларига чин дилдан ҳавасим келарди. Мен ҳам катта бўлсам, албатта, отамга ўхшаб кўп дўстлар ортирарман, деб ният қилардим. ...Кузги сабзавотларни йиғиб олиш кезлари. Оиламиздаги ёш кеса далада. Отам бизга тушлик тайёрлаб, хирмон тепасига олиб келди, у жуда пазанда, ҳар қандай таомга уста эди. Тайёрлаган овқатлари шу қадар мазали бўлардики, еган саринг егинг келарди. Бир кун: "Ота, нима овқат пиширяпсиз?", десам, "Грузинча чихамбли", деди. Шунақа ҳам овқат бўларканми, деб ажабландим. Ўзимизнинг оддий карам ва озоқ картошкани ёгда қизартириб қовуриб, лаганга сузди ва: "Мана сизларга чихамбли", деди. Шунақа мазали чиққан, асти қўверасиз.

Хуллас, ўша кун тушлик далада бўлди. Энди дастурхон атрофида ўтирган эдик, қўшимиз ҳаллослаб келиб қолди: "Ғафур амаки, дўстингиз Обидхон ака оламдан ўтибди, жаноза асрга экан", деди. Отам юзига фотиҳа тортиди, кўзлари ёшга тўлди. Ҳаммамиз бир муддат қотиб қолдик.

– Тур, онаси, болалар амаллаб туришар. Бормасак бўлмайди, – отамнинг юзига ғамгинликни ифодалаш қийин эди.

...Отам эллик ёшни қаршилади. Қариндош, қўшни, қудалар, дўстлари, қўйинчи, ҳаммага дастурхон ёзилди. Элга ош берилди. Кечга томон дўстларига алоҳида зиёфат уюштирилди. Уйимиз совғаларга тўлиб кетди. Кимдир чинни буюм, кимдир гилам, яна биров тўн кўтариб келган, хуллас, ҳамманинг кайфияти байрамона. Обидхон ака доира шаклидаги соат совға қилди. Соатнинг ойнасида чиройли ҳарфларда: "Дўстим Ғафуржон! 50 ёшинг муборак бўлсин! Сенга оилавий тинчлик, соғлиқ ва бахт тилайман. Дўстинг Обидхондан!" деган тилак битилган. Соатнинг миллири юриб турарди. Отам совғалар орасидан соатни алоҳида эъзозлаб сақладилар.

Орадан йиллар ўтди. Бир кун онам: "Обидхон ака сизга совға қилган соат бор-ку, ўша тўхтаб қолибди", деди. Отам "ялт" этиб соатга қаради. Кейин соатни қўлларига олди. "Салкам ўн йил давомида бирор мартаба бандареяси алмашмади-я, дўстимни энди йўқотдим", деди ва кўзларидаги ёшни яшира олмади. ***

Оилада саккиз фарзандимиз. Беш қиз, уч ўғил. Отамнинг айтишича, етти ёшларидан савдода иш бошлаб, рўзгорга қўмаклашган экан. Шу сабаб, ўқишдан анча йироқда бўлган. Шунинг учун фарзандлари ҳаммаси ўқимли бўлишини ният қилган. Зиёли, ўқимли инсонларни кўрга-

нида фарзандларим ҳам шулардай бўлсайди, деб ҳавас билан қараган. Ниятлари рўёбга чиқди. Ҳаммамизни ўқитди. Биримиз ҳамшира, биримиз ҳисобчи, биримиз ўқитувчи, яна биримиз миришкор бўлдик.

Маҳалламизда Собидхон исмли илмли инсон бўларди. Бир кун

Собидхон ака билимли инсон эди. "Компьютер" деган тушунча энди-энди юртимизга кириб келаётган пайтлар. Унинг докторлик иши мавзуси компьютер асосида ўзбек тилини ўқитиш тизимини йўлга қўйиш ҳақида экан.

Отам кечга томон бир дунё

давомида уни саволларга кўмиб ташлашди. Пешонасида маржон-маржон тер. Юракларим сиқилиб кетди. Шартта ўрнимдан турдим-да: "Бу менинг қўшим, укам бўлади. Савол бериб чарчамадингларми? Бир ўзига шунча саволми? Бўлди-де. Ҳамма нарсанинг чегараси бўлади-да", дедим. Бирдан ғала-говур бўлиб кетди. Шунда чиройли кийинган, галстуклари ўзига ярашиб турган одам ўрнидан туриб, қарсақ чалиб юборди. Унга бошқалар ҳам қўшилиб, Собидхонни бирма-бир бағриларига босишга ошиқдилар. Сўнгра менинг ҳам қўлимни сиқиб алқашди. Хуллас, химоя зўр ўтди.

Отамнинг қўлида кичкинагина тўрт бурчак, оқ рангдаги соат бор эди. Менга яқинроқ келдида: "Мана бу сенга. Бунинг кўнгираги ҳам бор экан. Собидхонга ўхшаган олим бўл", деди.

Орадан анча вақт ўтди. Соат узоқ йиллар хизмат қилди. Киши кўзини қамаштирадиган соат турларини жуда кўп учратганман. Лекин, ўша соатнинг ўрни бўлак. Бу соат йиллар ўтгани сайин илк бор қўлимга олган вақтимдаги хотирларимни қайта жонлантиргандек бўлади. ***

Бир кун аёлим ота уйига боришга изн сўради. Қаршилик қилмадим. Кексаларни йўқлаш савобли амаллардан. Айниқса, онаси. Аёлим фарзандларнинг каттаси.



отамни йўқлаб келди. Остонада беш-ун дақиқа суҳбат қуришди. Онам дарров: "Нима гап экан тинчликми?", деди. "Эртага докторлик химояси экан, шунга маҳалладаги яқинларимни айтиб юрибман. Сиз ҳам боринг, деб чиқибди", деди отам. Онам: "Сиз ўқимаган бўлсангиз, нима қиласиз уларнинг орасида", деди ва ўз юмуши билан кетди. Хуллас, отам эртаси кун химоя тадбирига йўл олди.

таассуротлар билан кириб келди. Ўқимли инсонларга ихлоси баландлигидан химоядаги воқеаларни шундай ҳаяжон билан таърифлаб бердики, ўзимизни гўё оиламиз билан ўша ерда бўлгандек ҳис қилдик. Айниқса, бир воқеани алоҳида ҳаяжон билан сўзлади: – Собидхон бир ўзи тик турибди. Олдида бир уюм қоғоз. Савол устлардан. Ҳар бирига босиқлик билан жавоб берапти. Салкам тўрт соат



Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-335. 4 932 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар: Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир уринбосари: (71) 233-70-10
Масъул қотиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. **Электрон почта:** toshkenthqiqat@gmail.uz

Манзил:
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги офисимиз:
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш
ЭГАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусахҳиҳ
Аллома
АЗИЗОВА

Навбатчи
Жавлон
ХАЛИЛОВ